

## Саудия саҳрода дарахт экиш учун дронлардан фойдаланади



15:10 / 19.10.2021 2290

Саудия Арабистони қироллик шимолидаги қўриқхонага дронлар ёрдамида 100 минг дарахт эймоқчи. Бу ҳаракат ўсимлик қопламини ривожлантириш, чўлланишга қарши курашишни мақсад қилган.

Давлат вазири ва қўриқхона директорлар кенгаши раиси шаҳзода Турки бин Муҳаммад бин Фаҳднинг айтишича, ушбу ҳаракатлар ўрмонзорлар яратиш экологик хилма-хилликни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган.

Дронлар ёрдамида 200 гектар майдонга турли хил уруғларни аниқ тарқатиш мумкин бўлади.

Саудия Арабистони валиаҳд шаҳзодаси Муҳаммад бин Салмоннинг бошлаган экологик ташаббуслари доирасида яқин ўн йилликлар ичида қиролликда 10 миллиард дарахт экиш режалаштирилмоқда.